250-6.00 РТДда тонг 2.50, 3.50, 4.50, 5.50 Хабарлар - Москва 3.00, 4.00, 5.00 Хабарлар 3.10 «Правосуд тақдими» 3.15 Ойлаш янгиликлар 3.25 Набатчи қисм 3.30 Афиша 4.10 «РТР экспертизаси» 4.20 «Миллий даромад» 4.25 «Хабарлар» - спорт 4.30 «Ойлаш янгиликлар» 4.40 «Пролог» - 1-қисм 5.10 «Набатчи қисм» 5.15 «Ошқона» - Миллик 5.30 «Йўл назорати» 6.00 Хабарлар 6.10 «Ойлаш сирлар» Телеорнал 21.15 «Ошқона» Мусикий дастур 21.30 Хинд киноси: «Муаббат билан хиллашди» 23.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундаги 24.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати - 2002

12.00 Хабарлар 12.50 Дўстлар-4. Сериал 12.50 Футбол Жаҳон чемпионати АКШ - Португалия 15.00 Хабарлар 15.25 Хабарлар - Москва 15.50 «Комиссар Рекс» Телеорнал 16.50 «Хайри тун, кичкинтойлар» 17.00 Хабарлар 17.35 Хабарлар - Москва Махаллий вақт 17.55 «Футбол урушлари» Хужжатли сериал 18.50 «Кўра. Қора қиз» Детектив сериал 19.45 «Йўл назорати» 20.00 Хабарлар - тафсилотлар 20.20 Хабарлар - Москва Махаллий вақт 20.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундаги 21.25 «Милка ва аскар» Бадий фильм 21.55 «Суперитоб» Мультиорнал 7.25 «ТАСС маълум қилмоқда» 8-қисм 8.35 «Оқ йўл» 8.45 Совғаси болалик 9.05 «Антарктика қиссаси» Бадий фильм 1-қисм 10.15 Мулт-афишо «Олтин бошқалар» 10.40 Фақат айлар учун 11.10 «Суперитоб» Мультиорнал 11.35 «Давлат чегараси» 12-қисм 12.50 Теледўн 12.55 «Елканда бошинг бор» 13.15 «Учайтанг уйи» Мультиорнал 13.45 «Дубровский» Бадий фильм 2-қисм 15.00 «Оқ йўл» 15.20 Эркаларнинг ташвишлари 16.55 Олдин қўшиқ 16.20 Совғаси болалик 16.40 Теледўн 16.55 «Учайтанг уйи» Мультиорнал 17.20 «Донларро узок йўл» 5-қисм 17.50 «Давлат чегараси» 12-қисм 18.30 Мулт-афишо «Ўрмон сайёҳлари» 19.00 Давлат чегараси 19.30 «ТАСС маълум қилмоқда» 8-қисм 20.50 Фақат айлар учун 21.20 «Антарктика қиссаси» Бадий фильм 1-қисм 22.30 «Айларнинг қадрлари» 15.00 «Инсептор Гаджет» Мультиорнал 17.40 «Бобби олами» Мультиорнал 18.05 «Павар Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар» Телеорнал 18.30 «Пароль» - «Мангулик» Телеорнал 19.30 «Ўйнақлар» Хужжатли фильм 15.30 «24» Абзорот дастури 15.45 «Талаб бўйича тўхташ-2» Телеорнал 15.50 «Инсептор Гаджет» Мультиорнал 17.15 «Икс-мен» Мультиорнал 17.40 «Бобби олами» Мультиорнал 18.05 «Павар Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар»

# Ипак Йўли банкида янги омонатлар

Сизнинг режаларингизнинг  
ишончли асоси

## Ипак Йўли омонати – ўз даромадларингизни ўзингиз танланг!

Исталган миқдор, исталган муддат ва исталган фоизларни Сиз ҳар ойда оласиз!!! Фақатгина ўз маблағларингизни банкка топширишингиз ва қайтариб олиш санасини айтсангиз бас. Агар маблағларингизни белгиланган вақтда олиб кетолмасангиз, хавотирланманг, банкнинг ўзи Сизнинг маблағларингизни қуйидаги жадвал асосида узоқроқ муддатга ўтказди ва юқори фоиз бўйича даромадларингизни ҳисоблаб беради.

(Йиллик фоиз миқдориди)

|                         | 1 ой | 3 ой | 6 ой | 9 ой | 12 ой |
|-------------------------|------|------|------|------|-------|
| 500 минг сўмгача        | 30 % | 35 % | 40 % | 45 % | 50 %  |
| 1.000 минг сўмгача      | 35 % | 40 % | 45 % | 50 % | 55 %  |
| 1.000 минг сўмдан юқори | 40 % | 45 % | 50 % | 55 % | 60 %  |

## Фақат 2002 йил 30 июнгача «Даромад» омонати!

«Даромад» омонати – ўз маблағларингиздан унумли фойдаланинг!  
50 кун ичида 6,53 % даромад олинг.

### «Кўклам» омонати

АҚШ доллари омонатларини ҳеч қандай хавфсиз кўпайтиришни истайдиганлар диққатига. Ўз маблағларингизни бир ойда жойлаштиринг ва йиллик 20% сўмда даромадни омонат қўйган ойда олинг.



1990 йилда  
асос олинган

### Маълумотлар учун:

Фарҳод кўчаси, 12 «А»

Тел.: 120-85-52, 76-85-52, 117-15-71.

Ҳамид Олимжон кўчаси, 5.

Тел. 133-69-66, 133-67-80.

### Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги юзасидан шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:  
133-15-32, 139-05-57,  
55-67-42, 55-19-73.

Юнусобод тумани, Мавлонов кўчаси, 48-уйда жойлашган «ALANA» адвокатлик бюроси номига берилган гувоҳнома Адлия бошқармасининг хайрат қарорига асосан  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент вилояти, Пскент туманидаги 12-мактаб томонидан 1996 йили Ахунوف Нурмуҳамбет Абдимаунов номига берилган UZA № 017216 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент вилояти, Пскент туманидаги 12-мактаб томонидан 1997 йили Ахунوف Ермуҳамбет Абдимаунов номига берилган ORA № 006648 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳридаги 230-мактаб томонидан 1996 йили Ирматов Феруза Аскарровна номига берилган UZA № 092853 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳридаги 214-мактаб томонидан 1992 йили Кодиркулов Файзулла Раҳматуллаевич номига берилган А №030307 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Сергели тумани ҳокимияти томонидан «Тинчлик» маҳалласига берилган бурчакли штамп ва муҳр йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон:

133-28-95.  
Факс: (3712) 133-29-09.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ,  
32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.



## ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК! МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Сиз ўз омонатингизга ҳар ойда юқори фоиз даромад олиш билан бирга 1000000 сўм ютук соҳиби бўлишни истайсизми?

У ҲОЛДА:

«ХАМКОРБАНК» акциядорлик-тижорат банки Сиз учун янги «ЮТУҚЛИ» омонат турини тақдим этади.

Омонатга пул маблағлари 3 ойдан 1 йилгача муддатга қабул қилиниб, уларга йиллик 40 фоиз миқдорда даромад тўланади.

Энг кам омонат қўйиш бадали 100 000 сўм.

Манзилимиз: Халқлар Дўстлиги майдони, Фуркат кўчаси, 14.

Мурожаат учун телефонлар: 45-62-33, 42-45-38.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 декабрдаги «O'ZBEKTELEKOM» акциядорлик компаниясини хусусийлаштиришга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги 488-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитасининг 2002 йил 18 февралдаги «O'ZBEKTELEKOM» низом фондини шакллантириш ҳақидаги 53-кПО буйруғи, «O'ZBEKTELEKOM» АКнинг 2002 йил 20 февралдаги 33-сонли буйруғи ва Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимининг 2002 йил 3 майдаги «TShTT» ОТАЖнинг «O'ZBEKTELEKOM» акциядорлик компанияси таркибига филиал сифатида қайта ташкил этилиши ҳақида қарорига мувофиқ, таркибидаги саккизта телефон тармоғи ва ахборот-ҳисоблаш маркази билан биргаликда «TShTT» ОТАЖ «O'ZBEKTELEKOM» акциядорлик компаниясининг филиалига айлантирилди.  
Давлат тилидаги номи:  
«O'ZBEKTELEKOM» акциядорлик компанияси «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I» FILIALI («O'ZBEKTELEKOM» АК «TShTT» FILIALI)  
Рус тилидаги номи:  
Филиал «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I» акционерной компании «Узтелеком» (филиал «TShTT» АК «Узбектелеком»)  
Филиал ўз фаолиятини 2002 йил 28 февралдаги филиал Низомига ва «O'ZBEKTELEKOM» АКнинг 2002 йил 19 мартдаги 01-5/627 рақамли Ишончномага асосан амалга оширади. Ҳисоб ва жорий рақамлари филиал ва унинг тармоқларида сақланиб қолган, юридик манзил ўзгармаган.  
**«O'ZBEKTELEKOM» АК «TShTT» филиал маъмурияти**

«Тошкент оқшомии» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ижодий жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг раиси Рустам Шоғуломовга опаси  
**Миनावарнисо ШОМУРОДОВАНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Тошкент оқшомии» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ижодий жамоаси матбаа ва ноширчилик фахрийси Ислам Шоғуломовга опаси  
**Миनावарнисо ШОМУРОДОВАНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



## Мусобақа қизғин паллада

Универсиада беллашувлари қизғин паллага кирди.

### КЕЧА

футбол бўйича ўтказилган бахслардан сўнг ярим финаллар аниқланди. Жиззах ва Тошкент-1 жамоалари ушбу босқичга чиқди.

Сузувчилар ўртасида ҳам голиблар маълум бўлди. Кутилганидек кўпгина масофаларда ҳамшахарларимиз зафар кучиши. Жумладан қизлар ўртасида 200 метрга брасс усулида сузишда Елена Лисицақа, 50 метрга чалканча сузишда Саида Искандарова, ўғил болалар ўртасида 50 метрга чалканча сузишда Михаил Алексеев, 4 киши 100 метрдан сузишда Тошкент-1 жамоалари голиб чиқишди.

Енгил атлетика бахсларида тўрт киши 100 метрдан югуришда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини вакиллари голиб чиқди. Умумжамоа ҳисобида ҳам пойтахтлик спортчилари биринчи, Фаргона ва Самарқанд вилоятлари кейинги ўринларни эгаллашди.

Мусобақалар эртага ўз ниҳоясига етади. (Ўз мухбиримиз).

### КЕЧА

пойтахтимиздаги Ўзбекистон Бадий академиясининг «Хамар» халқаро алоқалар марказида 12 майдан 29 майгача республикамиз вилоятлари бўйлаб ўтказилган «MINITECH—2002» кўرғазма савдосининг якуний босқичи ўз ишини бошлади.

## «MINITECH —2002»

Кўрғазма савдони кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Музаффарбек Собиров Қорақалпоғистон республикаси ва Бухоро, Термиз, Фаргона вилоятларида бўлиб ўтган кўрғазма савдо ҳақида маълумотлар берди. Уларда мамлакатимизнинг барча вилоятларида 3200 нафардан зиёд кичик ва ўрта бизнес корхоналари иштирок этишиб, юртимизда фаолият кўрсатаётган 70 дан ортиқ ва 13 та чет эл фирмалари ўзларининг 200 турдаги кичик технология ҳамда жихозларини намойиш этишди. Шунингдек, кўрғазма савдо ташкилотчилари томонидан хорижий давлатлар машхур фирмаларининг 1000 турдаги кичик технология ва жихозлари каталоглар тарихида тақлиф этилди.

Пойтахтимизда икки кун давом этадиган ушбу тадбирда ҳам 80 дан

ортиқ фирмаларининг 220 дан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун мўлжалланган кичик технология ҳамда жихозлари намойиш этилмоқда. Энг муҳими, кўрғазма савдо молиявий ресурслар билан таъминланган бўлиб тадбиркорлар бу ерда ўзлари учун керакли жихоз ва технологияларни лизинг ва кредит асосида сотиб олишлари мумкин. Бу, албатта кичик ва ўрта бизнес ривожини, мулкдорлар сиффининг шаклланишига муҳим хисса бўлади.

Шуниси эътиборлики, кўрғазмада пойтахтимиздаги 60 дан зиёд фирмалар иштирок этишмоқда. Улар орасида «Мирсавава», «ПГС», «Назирова А», «Субромед» сингари хусусий фирмаларнинг минитехнология ва жихозлари кўпчиликнинг эътиборини қозонмоқда.

Кўрғазма-савдо ўз ишини давом эттирмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

## Тамаки тутуни хавфлидир...

**Тамаки тутуни... У кишига ёмон таъсир қилмайдими? Дарвоқе, бу тушунча ва савол бир-бирига мос келмайди, ахир! Сирасини айтганда папирос тутуни хавфлидир. Нимага дейсизми? Буни исботловчи мисоллар кўп.**

Тамаки чекилганда 90 фоиз алкохолд тамаки тутунига айланади. 100 грамм тамаки чекилса, 5-7 грамм қурум ва бошқа зарarli газлар ҳосил бўлади. Агар кунига 20 та сигарет ёки папирос чекилса йил мобайнида кашанда танасига 700-800 грамм тамаки қуруми тўпланади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, одам танаси кучли ҳимоя — компенсаторли ва мосланувчанлик, жумладан ажратувчилик тизимига эгаки, у ноқерак ва зарarli моддаларни чиқариб ташлашга ёрдам беради. Бу тизим жигар, ичак, юқори нафас йўллари ва бошқалардан иборат. Аммо баланнинг компенсатор имконияти кўплаб чекиш натижасида камаб боради.

Шу сабабли кашанда танасида тамакидан ҳосил бўлган барча қора қурумлар чиқиб кетмайди ва тўпланиб қолади. Кетмакет тутатиб чекиш натижасида тангалар, милк, тиш қуяди. Тутундаги зарarli моддаларнинг бир қисми эса оғизнинг шиллиқ пардаларига ўрнашиб қолади. Бу ҳам ўпкага ёмон таъсир кўрсатади.

Яхши ёниб кўрса тамакининг жуда майда моддаси бронх атрофига кириб, шиллиқ пардага ўрнашади. Бу зарарчалар шиллиқ пардани касаллантиради ва шиллиқ моддаси кўпаяди. Бронх эпителилари ҳам шундай вазиятда бўлади. Натижада киши қўнғилиб йўтала бошлайди. Булар турли хил касалликлар, аввало сурункали бронхит учун шaroит яратиб беради.

Ялиғланиш жараёни кенгайиб, ўпка толлари зарарлантиради. Охир-оқибат пневмония касаллигига олиб келади. Ўпканинг касалланиши эса пневмосклерозга сабабчи бўлади. Шу билан бирга ўпка тўқимасининг эластиклигини йўқотади.

Кишилар йўталга ўрганиб қолиб, шифокорга деярли учрашмайди. Ваҳоланки, улар ўпкада қандай ўзгаришлар юз берганидан бехабар бўладилар. Бора-бора тамаки тутуни заҳарли альвеол касаллигига олиб келади. Бундай пайтларда одам кўрагида бирдан қаттиқ оғриқ сезади ва нафаси бўғилади. Шу сабабли ҳам тезлик билан тиббий ёрдам кўрсатишга лозим.

Тамаки тутуни таркибига қатор кучли канцерогенли моддалар кирди. Шунга кўра ўта кашандалар ўпка раки сингари оғир кечадиган касалликларга мубтало бўлишлари мумкин. Тамаки тутунининг юрак-қон томир тизимига ёмон таъсири ҳақида икки оғиз сўз. Юрак-қон томирларида чекиш натижасида чекмайдиганларга нисбатан атеросклероз ривожланиши кескин (17 марта) тезлашади. Бу эса миокард инфаркти ёки инсультнинг пайдо бўлишига замин яратлади.

Тананинг тамаки тутуни заҳари билан зарарланиши нафас олиш аъзолари тўқималаридан қонга сўрилниши вақтидан бошланади. Қон орқали бутун танага тарқалиб, жигарнинг кўп қисмини зарарлантиради. Заҳарнинг кўпайиб бориши билан жигар таркиби зарарланиб, унинг функцияси бузилади. Қондаги заҳар концентрацияси ортиб боради. У ошқозон ичак йўлига зич жойлашади.

Айрим статистик маълумотларга қараганда, чекмайдиганларга нисбатан кўпдан чекувчи 39-40 ёшлардаги эркакларда тўсатдан ўлим ҳолати 3-4 марта кўп бўлиши кузатилади. 30 ёшлар атрофидаги чекувчи эркакларда биринчи инфаркт икки марта содир бўлиши мумкин. Барча чекувчиларда эса сурункали бронхит кузатилади. 40-50 йил мобайнида чекиб келган кишиларда чекмочиларга қараганда ўпка раки 10-20 марта кўп, оғиз бўшлиғи раки 10 марта кўп, қўзилгўнча раки 4-5 марта кўп содир бўлади.

Дарҳақиқат, чекишнинг зарarli оқибатлари ҳақида жиддий ўйлаб кўришга тўғри келади. Чекиш зарурини ёки саломатлик — буни ҳар ким ўзини ҳал этмоғи лозим.

Тошкент шаҳар Саломатлик маркази.

### Қурумсоқнинг жазоси

«Саодат ҳола оламдан ўтибди», деган хабар бир зумда маҳаллага тарқалди. Оқсоқол фаолларни, ўзига тўқ уч-тўртта оила бошлиқларини идорага йиғиб, уларга маслаҳат солди.

— Биласизми, онаҳонимиз ёлғиз эдилар, уларнинг тирикчилигига маҳалла қарашиб турарди. Энди у зотнинг барча маросимларини ҳам ўтказиш бизнинг зиммамизга тушади. Албатта, маҳалла фондидан ҳам маълум миқдорда пул ажратамиз. Аммо ёлғиз отнинг чанғи чиқмас, деганлар. Кўпники кўл. Шундай экан, сизлар ҳам бир савобли ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшасизлар, деган умиддаман.

Деярли ҳамма оқсоқолнинг тақлифини кўллаб-қувватлади. Аммо Қаримбой акага бу гап бироз малол келди.

— Қизқисиз, Хайитбой ака, — деди у оқсоқолга юзланиб. — Ҳозир ҳамманинг ҳоли ўзига маълум. Шундай бўлган кўрпага қараб оёқ узатган маъқул...

Шу гап баҳона йиғилиш бироз чўзилди. Биров бу деди, биров у. Охир ҳамманинг фикри бир жойдан чиқди. Майли, ҳар ким қўлидан келганча ҳисса қўшсин, деган келишув бўлди.

— Менда бир тақлиф бор, — деди Қаримбой ака ўрнидан туриб. — Марҳуманинг каттагина ҳовлиси, уй-жойи бор. Яхшиси уни бировага хатлаб бериш керак. Ана ўша одам ўтказсин барча маъракаларни кўнгилдагидек қилиб. Шунда биз ҳам

киришим билан шошилиб ўрнидан туриб кетди. Салом-алиқдан сўнг:

— Овора бўлиб келибсиз-да, отахон, — деб кўйди у.

— Оворагарчилиги борми, ахир қадрдонлар бир-биримизнинг холимиздан хабар олмасак, ким олади, — дейман унга.

— Раҳмат, отахон, қани ўтиринг, — деди у тулга ишора қилиб.

Жойлашиб олган сўрадим:

— Соғлигинг яхшими, ишқилиб?

— Раҳмат, анча яхшиман.

Юраги тўлиб турган эканми ёки зерикчи ўтирганиданми, ҳар қалай кўнглини менга ёриб қолди. Сўхбат асносида шундай гапни айтди.

— Тўсатдан бошим айланиб, кўзим тиниб қолди. Қон босимим кўтарилиб кетибди. Дарҳол танишим ишлайдиган шифохонага югурдим. У шу ерда бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди. Анча тажрибали шифокор деб эшитгандим. Устига ҳар кўрғазмада соғлигимни сўраб суриштирар. «Агар бизга бирон хизмат бўлса, тортинмай айтаверасиз» деб юргувчи эди.

Хонасини очсам йиғилиш ўтказаятган экан. Шундай бўлса, рўпарда ўтиргани учун дарҳол кўзимиз кўзимизга тушди. Мени кўрди, ҳозир чиқиб қолади, деган умидда эшик ортда анча пойлаб турдим. Чиқмади. Орадан ярим соатлар чамаси

### ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

## ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

кўл қовуштириб турмаймиз. Холанинг йиғинларида лаган-паган ташиб турармиз.

— Ҳўп, қизик гапни гапирасиз, Қаримбой. Айни шу гапнинг мавриди эмаску. Олдин марҳумани жойига элтиб қўйилж. Кейин ҳовлини хатлаш қочмас, — деди оқсоқол чимирлиб.

Хуллас, йиғилганлар бориға қараб ўртага пул ташлашди. Қолган маҳалладошлар ҳам қараб турмади. Биров ун, гуруч, гўшт, сурп дегандек... Ҳар ким тоғганини берди. Фақат Қаримбой ака «йўқман», деб туриб олди.

Холанинг йиғирмасини ҳам маҳалладошлар бир тан бўлиб ўтказишди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб «Қаримбой аканинг уйини ўғри уриб кетибди» деган нохуш хабар тарқалди.

Хонадон эгаси эрта тонгдан Хайитбой аканинг эшигини қоқди. Нима гап, деб эшикни очган оқсоқолга қараб Қаримбой ака бирдан хўнграб юборди. Унча-мунча одамга бош эгиб сўз бермайдиган кап-катта киши қаршинда хўнграб турса галати бўларкан. Оқсоқол хайрон бўлиб сўради.

— Нима гап? Бирор яқинларингиз оламдан ўтиб қолмади-ми, Қаримбой?

— Ундан баттар бўлди, оқсоқол. Худо ўриб қолди. Кечаси хонадонимга ўғри тушиб бор-йўғимни шилиб кетди.

— Э, шундай денг. Бўпти, бораверинг. Мен ҳозир орангиздан етиб бораман. Милцияга хабар қиламиз. Ноумид бўлманг. Балки ўғрини топармиз.

Эртасига одамлар орасида дув гап тарқалди. «Нима дейсиз, ўрилар Қаримбой аканинг мол-мулкидан ташқари бир қанча тилла буюмлари, йиғиб қўйган доллари ва нақд пул жамғармасини бир тийингача қолдирмай ўмариб кетишибди».

Шунча давлати бўла туриб ён қўшини ноҳор марҳума Саодат холанинг маросими учун пул йиғилганда «Бир тийини йўқ», деб турган кишида шунча пул борлигини эшитиб, маҳалладошлар хайратдан ёқа ўшалади. Шунда улардан кимдир: «Қаримбой акани Саодат холанинг арвоҳи урибди», деган гапни айтди. Яна биров: «Қурумсоқнинг жазоси шу-да», деб кўйди.

### «Гап ўртада қолсин»

Автобўса бораётган олдинги ўринида қўйган икки қарианинг қўйидаги сўхбатининг гувоҳи бўлдим.

— Сотволди деган ақиним анчадан бери кўринмай қолувди. Эшитсам, шифохонага тушиб қолди. Уни кўриб, холдан хабар олай деб касалхонага бордим. Ўша ердан қайтиб келаялман.

— Қалай, аҳволи яхши эканми, ишқилиб, биродарингизни?

— Анча тузук кўринади. Ётган жойини қидириб топиб эшикдан мураласам, бечора каравотда чўзиллиб ётибди. Ичкарига

вақт ўтгач, йиғилиш тугади шекилли, бир тўда шифокорлар уларнинг орқасидан ўша танишим чиқиб келди. Дарҳол саломлашиб олдиға бордим. Ноҳушгина кўришиб туриб: «Хизмат», деди. Мен бўлган воқеани айтдим.

— Ҳозир бизда жой йўқ, эрта-перта бир хабар оларсиз, — деди.

— Бир иложини қил, ука. Аҳволимни кўриб турибсанку, — дедим бош эгиб.

— Иложи йўқ бўлса нима қилай? Сиз ҳам гапга тушунинг-да ахир. Қани ўтириб турунч. Мен бошлиғимизнинг олдиға кириб чиқай, — дея у яна бир бошқа эшикка кириб кетди.

Хайрон бўлиб турсам сўхбатимиздан хабардор бўлиб турган бир бемор менга яқинлашиб:

— Амаки, бу одамга озорк қуруғидан бермагунингизча ишингиз битмайди. Мен биламан, бўш жойлар бор. Ушанинг илинжида атайлаб сизни гапга солаётми, — деб қолди.

— Ахир таниш бўлса қандай бераман, мендан олмайди, уялади, — дейман унга.

— Олдин бир шамга қилиб кўрингчи, кейин биласиз, — деди у.

Яна орадан ярим соатлар чамаси ўтиб, танишим қайтди. Кира солиб «Иложи йўқ» маънода бош тебратди.

— Қанча харажат бўлса тайёрман. Йўлини топ, ука, — дедим дангал.

Бу гапдан кейин ўзгарди қолди.

— Оббо, отахон-эй, қўймадингиз, қўймадингиз-да. Қани буюққа юрингчи, — дея хонасига бошлади. Кейин ишга киришиб кетди. Касалими сўраб суриштирди, ётқизиб турғизди. Шу орада пайт топиб чўнтагига атаганимни солиб қўйдим.

— Ие, қандай бўларкин? Сиз билан ака-укадек бўлсак, — деб кўйди йўлига.

— Мен розиман, — дедим. — Шу ердан омон-эсон тузалиб чиқсам бўлди, ука.

— Хавотир олманг, тузалиб кетасиз. Сизга ўзим қарайман, — шундай дея мени яқингина жихозланган мана шу бир хонага жойлаштирди. Ўзи билан ёнида кирган шифокор, ҳамшираларга, — бу киши менинг қадрдоним. Тез-тез аҳволидан хабардор бўлиб турунчлар, — деб ўқирди.

Шундан бери ётибман. Ана тузукман. Яқинда жавоб бериб қолишса керак. Асли бу гапни ҳеч кимга айтмаслигим керак эди. Лекин юрагим сиқилиб, кўнглимни сизга бироз ёздим-да, отахон. Аммо гап ўртада қолсин.

Узим тенги кексаларнинг бу гапи мени ўйлантириб қўйди. Очиги ўша шифокорнинг қилмишидан ранжидим. Қолаверса бундай ҳол баъзи шифокорлар орасида онда сонда бўлса-да, содир бўлаётганини хисобга олиб, уни газетхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдим. Зеро, гап эгасини топади.



# КАТТА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

**2002 йил 31 майдан  
30 июнгача Жанубий  
Корея ва Японияда  
XVII жаҳон чемпионати  
бўлиб ўтади**



Мухлислар бундай кутлуг кунни нақ тўрт йил орзикай кутишади.

### БУГУН

ана шундай файзли ва шукуҳли, бутун дунёдаги футбол ишқибозларининг кўнгилларини қувончга тўлдирадиган кун — Япония ва Жанубий Кореяда футбол бўйича XVII жаҳон чемпионати бошланади.

Дарҳақиқат, футбол спорт турларининг шохси ҳисобланса, жаҳон чемпионатлари унинг энг юксак чўққисидир. Тарихда не-не футболчилар бир бор бўлса-да жаҳон чемпионатида қатнашишни орзу қилиб армонда қолганларини ишқибозлар яхши билишади. Жаҳон чемпионатларида ўзини кўрсатган футболчилар эса порлоқ юлдузларга айланадилар.

Бугун бошланадиган чемпионат XXI асрнинг дастлабки улкан турнири, илк бор Осиё китъасида ўтказилаётгани учун ҳам тарих зарварақларидан ўрин олади. Бу кейинги пайтларда тобора ривожланиб ўзини кўрсатаётган Осиё футболчи қабилалари адолатли, ҳаққоний баҳо ҳамдир. Зеро, тажрибали футбол мутахассислари ва фахрийлари XXI асрда Осиё футболчи энг етакчилар қаторига қўрилганини таъкидламоқдалар.

Хўш ушбу жаҳон чемпионати қандай томонлари билан ишқибозларни ва мутахассисларни ўзига жалб этади, деган ўринли саволнинг тўғилиши табиий. Авваламбор ҳар иккала мамлакат янги асрдаги илк чемпионатни кўнгилдагидек ўтказиш учун жуда катта тайёргарлик ишларини амалга оширди. Япониядаги ўнча ва Жанубий Кореядаги шунча стадионнинг замонавий тус олиши, чемпионат инфратузилмасини ривожлантириш, барча талабларга жавоб берувчи сервис хизматини ташкил этиш учун Япония уч, Жанубий Корея эса икки миллиард фунт стерлинглик харажат килди. Шу сабабдан мутахассислар ушбу жаҳон чемпионатини тарихдаги энг қиммат турнир сифатида тавсифламоқдалар.

Маълумки, жаҳон чемпионати Корея Республикасининг пойтахти Сеул шаҳридаги турнир учун махсус қурилган 63.900 кишилик марказий ўйингоҳда очилади. Ташкилотчилар очилиш тантаналарининг маҳобатли ва бетакрор ўтиши учун катта тайёргарлик кўришти.

«Шарқдан» деб номланадиган улкан байрамда 2300 нафар артистлар ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Жаҳон чемпионатининг очилиш маросими уч қисмдан иборат бўлиб, дастлаб 400 нафар санъаткор ва раққослар меҳмонларни жаҳон халқлари рақслари ва анъанавий корей мусикаси оханглари билан қўлгайдилар. Жанубий Корея Президенти Ким Тэ Чжуннинг ўзи чемпионатни очиб деб эълон қилади.

Иккинчи ва учинчи қисмларда жаҳон мамлакатларининг зарб бериб қилинадиган асбоблари мусикаси янграйди, йиғилганлар Корея ва Япониянинг энг маш ҳур артистлари ижросидаги қўшиқларни тинглайдилар.

XVII жаҳон чемпионатининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ўнлаб кучли терма жамоалар жамланган мазкур турнирда ишқибозлар бир ой давомида жуда кўп футбол юлдузларининг бетакрор ўйинларидан баҳраманд бўлишлари мумкин. Франциялик Ф.Бартез, М.Десаи, Л.Тюрэм, П.Вийера, Ю.Жоркаефф, З.Зидан, Т.Анри, Д.Трезеге, уругвайлик Д.Родригес ва А.Рекоба, испаниялик Ф.Йерро, Л.Энрике, Г.Мендьета, Ф.Морьентес, Раул Гонсалес, Парагвай дарвозабони Х.Чидаверт, Бразилия термасида Кофу, Р.Карлос, Роналдиньо, Эмерсон, Денилсон, Ривалдо, Роналдо, туркиялик Х.Шукур, Португалиядан Р.Кошта, С.Консейсао, Л.Фигу, П.Паулета, Н.Гомизи, Германиядан О.Кан, М.Боллак, О.Бирхофф, К.Янкер, Аргентина юлдузлари — Х.Верон, Д.Симеоне, Э.Креспо, Г.Батистута, К.Каниджа, К.Лопес, Нигериядан Т.Ужет, С.Бабаюра, Ж.Окоча, П.Икнеба, Н.Кану, англиялик Э.Коул, Д.Бэхем, П.Скоулз, М.Оун, Э.Хески, Т.Шерингем, хорватиялик Р.Просинечки ва Д.Шухер, ниҳоят Италиядан П.Мальдини, А.Неста, А.Дел Пьеро, Ф.Инзаги, Ф.Тотти, К.Вьери каби чарм тўп усталари майдонда чинакам футбол спектаклини намойиш қилишлари мумкин.

Кучли терма жамоаларнинг кўпчилиги мутахассислар томонидан жаҳон чемпионлигига лойиқ дея бир неча жамоалар номи тилга олинмоқда. Хусусан, футбол қироли Пеле Осиё футболчининг тобора юксалиб бораётганини таъкидлаган ҳолда Португалия, Англия, Франция ва Аргентина жамоаларини энг кучлилар қаторига қўшди. Бизнингча жамоавий ўйинда тенги йўқ Италия, доимо ўйин охиригача курашувчи батартиб Германия, таркибидан ҳатто Жардел, Ромарио каби юлдузларга жой топилмаган Бразилия, юксак техникали ўйинчиларга бой Испания термалари ҳам жаҳон чемпионати бош совринига даъвогарлик қилишлари мумкин.

Бироқ майдон текис, тўп юмалоқ дейдилар. Балки чемпионатда бирор бир қутилмаган жамоа улкан шов-шув ясаб ўзини кўрсатар. Ҳар ҳолда чемпионатнинг 64 ўйинининг ҳар бири бетакрор футбол спектаклига айланishi шубҳасиз. Мамлакатимиз ишқибозлари учун яна бир «зўр» англиялик айтиб ўтмоқчимиз — «Ешлар» телеканали илк бор чемпионатнинг барча ўйинларини ойнаи жаҳон орқали кўрсатишни режалаштирди.

| кун     | соат  | учрашув  | натижа | шаҳар    |
|---------|-------|--|--------|----------|
|         |       | <b>«А» гуруҳи</b> Франция, Сенегал, Уругвай, Дания               |        |          |
| 31 май  | 16:30 | Франция — Сенегал  |        | Сеул     |
| 1 июнь  | 14:00 | Уругвай — Дания  |        | Ульсан   |
| 6 июнь  | 16:30 | Франция — Уругвай  |        | Пусан    |
| 6 июнь  | 11:30 | Дания — Сенегал  |        | Тэгу     |
| 11 июнь | 11:30 | Дания — Франция  |        | Инчхон   |
| 11 июнь | 11:30 | Сенегал — Уругвай  |        | Сувон    |
|         |       | <b>«В» гуруҳи</b> Испания, Словения, Парагвай, ЖАР               |        |          |
| 2 июнь  | 12:30 | Парагвай — ЖАР   |        | Пусан    |
| 2 июнь  | 16:30 | Испания — Словения   |        | Кванджу  |
| 7 июнь  | 14:00 | Испания — Парагвай   |        | Чонджу   |
| 8 июнь  | 11:30 | ЖАР—Словения   |        | Тэгу     |
| 12 июнь | 16:30 | ЖАР—Испания  |        | Тэджон   |
| 12 июнь | 16:30 | Словения—Парагвай  |        | Согвино  |
|         |       | <b>«С» гуруҳи</b> Бразилия, Туркия, Хитой, Коста-Рика            |        |          |
| 3 июнь  | 14:00 | Бразилия—Туркия  |        | Ульсан   |
| 4 июнь  | 11:30 | Хитой — Коста-Рика   |        | Кванджу  |
| 8 июнь  | 16:30 | Бразилия —Хитой  |        | Согвино  |
| 9 июнь  | 14:00 | Коста-Рика — Туркия  |        | Инчхон   |
| 13 июнь | 11:30 | Коста-Рика — Бразилия  |        | Сувон    |
| 13 июнь | 11:30 | Туркия—Хитой   |        | Сеул     |
|         |       | <b>«Д» гуруҳи</b> Жанубий Корея, Польша, АКШ, Португалия         |        |          |
| 4 июнь  | 16:30 | Жан.Корея — Польша   |        | Пусан    |
| 5 июнь  | 14:00 | АКШ — Португалия   |        | Сувон    |
| 10 июнь | 11:30 | Жан.Корея — АКШ  |        | Тэгу     |
| 10 июнь | 16:30 | Португалия— Польша   |        | Чонджу   |
| 14 июнь | 16:30 | Португалия — Жан.Корея   |        | Инчхон   |
| 14 июнь | 16:30 | Польша — АКШ   |        | Тэджон   |
|         |       | <b>«Е» гуруҳи</b> Германия, Саудия Арабистони, Ирландия, Камерун |        |          |
| 1 июнь  | 11:30 | Ирландия — Камерун   |        | Ниигата  |
| 1 июнь  | 16:30 | Германия — С.Арабистони  |        | Саппоро  |
| 5 июнь  | 16:30 | Германия — Ирландия  |        | Касима   |
| 6 июнь  | 14:00 | Камерун —С.Арабистони  |        | Сайтама  |
| 11 июнь | 16:30 | Камерун—Германия   |        | Сидзуока |
| 11 июнь | 16:30 | С.Арабистони — Ирландия  |        | Июкогама |
|         |       | <b>«Ф» гуруҳи</b> Аргентина, Нигерия, Англия, Швеция             |        |          |
| 2 июнь  | 14:30 | Англия—Швеция  |        | Сайтама  |
| 2 июнь  | 10:30 | Аргентина — Нигерия  |        | Касима   |
| 7 июнь  | 11:30 | Швеция—Нигерия   |        | Кобе     |
| 7 июнь  | 16:30 | Аргентина — Англия   |        | Саппоро  |
| 12 июнь | 11:30 | Швеция — Аргентина   |        | Сендай   |
| 12 июнь | 11:30 | Нигерия — Англия   |        | Осака    |
|         |       | <b>«Г» гуруҳи</b> Италия, Эквадор, Хорватия, Мексика             |        |          |
| 3 июнь  | 11:30 | Хорватия — Мексика   |        | Ниигата  |
| 3 июнь  | 16:30 | Италия — Эквадор   |        | Саппоро  |
| 8 июнь  | 14:00 | Италия —Хорватия   |        | Касима   |
| 9 июнь  | 11:30 | Мексика —Эквадор   |        | Сендай   |
| 13 июнь | 16:30 | Мексика—Италия   |        | Оита     |
| 13 июнь | 16:30 | Эквадор-Хорватия   |        | Июкогама |
|         |       | <b>«Н» гуруҳи</b> Япония, Бельгия, Россия, Тунис                 |        |          |
| 4 июнь  | 14:00 | Япония — Бельгия   |        | Сайтама  |
| 5 июнь  | 11:30 | Россия — Тунис   |        | Кобе     |
| 9 июнь  | 16:30 | Япония — Россия  |        | Июкогама |
| 10 июнь | 14:00 | Тунис — Бельгия  |        | Оита     |
| 14 июнь | 11:30 | Тунис — Япония   |        | Осака    |
| 14 июнь | 11:30 | Бельгия — Россия   |        | Сидзуока |
|         |       | <b>1/8 финал</b>   |        |          |
| 15 июнь | 11:30 | «Е» - 1 «В» - 2  |        | Согвино  |
| 15 июнь | 16:30 | «А»-1 «Ф» - 2  |        | Ниигата  |
| 16 июнь | 11:30 | «F»-1 - «А» - 2  |        | Сувон    |
| 16 июнь | 16:30 | «В»-1 - «Е» - 2  |        | Оита     |
| 17 июнь | 11:30 | «G»-1 «D» - 2  |        | Чонджу   |
| 17 июнь | 16:30 | «С»-1 «Н» - 2  |        | Кобе     |
| 18 июнь | 11:30 | «Н»-1 - «С»-2  |        | Тэджон   |
| 18 июнь | 16:30 | «D» - 1 - «G»-2  |        | Сендай   |
|         |       | <b>1/4 финал</b>   |        |          |
| 21 июнь | 11:30 | №2-голиби-№ 6-голиби   |        | Сидзуока |
| 21 июнь | 16:30 | №1-голиби -№5-голиби   |        | Ульсан   |
| 22 июнь | 11:30 | №4-голиби-№8-голиби  |        | Кванджу  |
| 22 июнь | 16:30 | №3-голиби-№7-голиби  |        | Осака    |
|         |       | <b>1/2 финал</b>   |        |          |
| 25 июнь | 16:30 | «В» голиби — «С» голиби  |        | Сеул     |
| 26 июнь | 16:30 | «А» голиби — «D»голиби   |        | Сайтама  |
|         |       | <b>3-ўрин учун</b>   |        |          |
| 29 июнь | 16:00 | Тэгу   |        |          |
|         |       | <b>Финал</b>   |        |          |
| 30 июнь | 16:00 | Июкогама   |        |          |

# Ибротил ХИКОЯТЛАР

Хар ким ўзи синиб кўрмаган кишига улуг ишни буюрса, натижада гушаймон қилади. Бунинг устига оқиллар ҳошида эси паст киши ҳисобланади.

**ХИКОЯТ.** Бир надон киши кўз оғриғига мутобало бўлиб, давлатда ушун мол табибига мурожаат қилди. Мол табиби кўзи оғригани молларга куйиладиган доридан халғиғи надоннинг кўзига куйган эди, унинг кўзи кўр бўлиб қолди. Кариндош-уруғлари ҳоқимга шикоят қилиб, табиби жавобгарликка тортишни талаб қилдилар. Ҳоқим уларга айтди:

— Бу ишда мол табиби айбдор эмас, у тоvon туламайти. Асл айбдор кариндошингизнинг ўзини. Агар у надон бўлмасайди, мол табибига мурожаат қилмасди.

**БАЙТ:**

Сув ичинда кўп қамишининг асли бирдир, насли бир, Баъзисидан қанд олурлар, баъзисиндан бўриб.

Одам ўгли ҳам ўшандоғ, асли бирдир, насли бир, Баъзиси бош оғриғидир, баъзи кўзга тўтиб.

**ХИКОЯТ.** Бир бадавлат киши ўз ўғлини домлага топшириб:

— Бу ўғлимни сизнинг қўлингизга топшираман, ўғилларингиз каби бунинг ҳам тарбия қилиб ўстиринг, — деди.

Домла ўз ўғиллари қаторида бадавлат кишининг ўғлини ҳам тарбия қилди, ўқитди, илим ўргатди, лекин тарбия унга таъсир қилмади, илмдан баҳра олмади. Домланинг ўғиллари эса одоб, тарбия, фозил, баалоғатда мукамал бўдилар. Бадавлат киши ўғлининг ҳолини кўргач, домлага таъна қилиб айтди:

— Ваъдага хилоф ҳаракат қилдингиз, вафо шартини бажо келтирмадингиз.

Домла жавоб берди:

— Ўғлингизни ҳам ўз ўғилларининг ҳам бирдек тарбия қилдим, тарбия — бир, аммо ҳоқимият бошқадир.

\*\*\*

**Аёл уйнинг фазиси, уларнинг баъзи эркаликларини кўтариш ҳам эр ингитнинг хислати. Аслида ҳам хотини билан ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлган эр дунёда ҳамма орау қилган мурад-мақсадига етди.**

**ХИКОЯТ.** Абдулқарим исмли бир олимнинг шоғирди ўз хотинидан шикоят қилмоқчи бўлиб устодининг уйга келди. Уй ичидан қаттиқ-қаттиқ сўзлаган товуш эшитиларди. Шоғирда хайрон бўлиб, секингина эшикни очиб қаради. Устод ҳолда ўртасида кулиб турарди, хотини эса жаж, ғазаб билан алланималарини сўзларди. Бунинг кўраги шоғирд ўз ўзига: «Устоднинг хотини шундай экан, мен унга ўз хотинидан шикоят қилишим фойдасиз», — деб қайтиб кетмоқчи бўлди. Шу вақтда устод Абдулқарим қайтишни ўйлаган шоғирдинини кўриб қолди. Дарҳол кўчага чиқиб уни тўхтатиб сўради:

— Уйимга келиб, яна нега қайтиб кетмоқчи бўлдинг? Нима иш билан келган эдинг?

— Хотинимнинг қилгавтган муомаласидан сизга шикоят қилиб, масхалат олмоқчи эдим. Хотинимнинг сизга қилиб турган муомаласини кўриб, қайтиб кетмоқчи бўлдим, — деди шоғирд.

Шоғирдиннинг сўзини эшитган устод кулиб:

— Менинг хотиним бозордан бир нарсани келтиришни сўраган эди, келтириш эсимдан чиқиб қолган, шунинг учун менга аччиқлиниб қаттиқ-қаттиқ сўзларди, мен кулиб турардим. Хотинларимиз аччиқлиниб баъзан оғир сўзлар сўзласалар, кечиршимиз керак. Уларнинг аччиқ сўзлари қилган хизматлари олдида ҳеч нарса эмас. Улар сўзлари ёшида қандай эзоб чекадилар. Болани тарбия қилиб ўстиришда торғатил заҳматлари ҳадисиз, ҳисобсиздир. Бунинг устига, бизга овқат тайёрлайдилар, киримизни ювадилар, уй ичидаги ҳамма икёр-чир ишларни бажардилар. Шунинг учун уларнинг баъзан бизга сўзлаган оғир сўзларини кўтарайлик, иззат-ҳурматларини бажо келтирайлик. Сен уйингга қайт, хотинингдан шикоят қилиб юрма, яхши, ширин сўзлаб кўнглини ол, дилги озор берма, — деб шоғирдинни жўнатиб юборди.

\*\*\*

Дунёда олижаноб, саховатли, меҳмондўст одамлар кўп. Қуйидаги хикоят шу ҳақдадир.

**ХИКОЯТ.** Хотамтойдан: «Узингдан ҳам сахийроқ кишини кўрдимми?» — деб сўрадилар.

Хотам жавоб берди:

Бир кун отда саҳрони сайр этиб юриб бир жойга қурилган ўтов ёнига келдим. Ўтовнинг орқасига бир эчки боғлаб қўйилган эди. Ўтов ичидан бир қари хотин чиқиб келиб, отимнинг жоловидан тўтиб, мени ўтовга таклиф қилди. Мен таклифини қабул қилиб, ўтовга кирдим. Шу вақт кампирнинг ўғли келиб қолди, мени кўриб, ўзининг хурсандлигини билдирди. Онаси ўлига эчкини сўйиб овқат тайёрлашга буюрди. Ўғли эчкини сўйди, таом тайёрлаш учун у ердан-бу ердан ўтин йиғиб келди. Кампир таом тайёрлаб келтирди.

Кампирнинг ҳолига яхши диққат қилдим. Жуда ҳам камбағал, қашшоқ эди, бисотида бўлган биргина эчкисини ҳам сўйиб, мени зиёфат қилди. Овқатдан сўнг мен ўзимнинг қилмигини билдириб:

— Сизларни ўзим билан бирга уйимга олиб кетай, менинг меҳмоним бўлинг. Кўпгина пул берман, қашшоқликдан қутуласиз, — деган эдим, кампир:

— Мен меҳмондан бир нарса ҳам олмайдман, берган таоминини пулга сотмайман, — деб таклифини раб қилди, ёнимдаги пулни олиб такдим этдим, қабул қилмади. Шундан кейин у қари хотиннинг менадан ҳам сахий, қарим эканини билдим.

Мана шундай бўлади олижаноб, саховатли хотинлар!

## (Давоми. Боши ўтган сонларда) ДОНО ХОТИННИНГ ТАДБИРИ

Нихоятда латиф ва гўзал бир йигит бор эди. Унинг ғоятда зукко хотини бор эди. Хотин доимо эрига: «Мабодо, шайтон васваса қилиб, эллай олсанг бировга ишқибозлик қилгин. Агар тўтилиб қолсанг, зинҳор тезлик билан менга хабар қил! Токи бирор чора-тадбир ўйлаб топай ва сени бу андишадан чиқарай», дерди.

Кунлардан бир кун йигит подшоҳнинг хос канизакларидан бири билан султоннинг боғида сўхбат қурадди. Шароб ва мевалар муҳайё бўлиб, висол онлари яқин эди. Подшоҳнинг хос ҳожибларидан бирининг назари ушбу канизакка тушиб, унинг ҳирсини кўзгатган эди. Аммо канизак уни ёқтирмас эди. Ҳожиб эса доим унинг изидан юриб таъқиб қиларди.

Нихоят, ҳожибга подшоҳнинг канизаги бегона йигит билан шох боғида сўхбат қурди, деб хабар этди. Ҳожиб ўзи билан бирга бир неча хизматкорларини олиб келди ва йигит билан канизакни ушлаб подшоҳнинг зиндонига олиб

га гирифторм бўлиб турибмиз», дейди йигит.

Подшоҳ йигит ёнидаги хотинига яхшироқ боқиб кўрдик, канизак эмас, балки йигитнинг хотини экан. Подшоҳ жуда қаттиқ ранжиди ва ҳалойиқ ўртасида ҳожибга минг қамчи уришни буюрди. Йигит билан хотинидан ээр сўради ва: «Менинг боғим сизларникидур, қачон ҳолдасангиз ўша пайтда келиб томоша қилинглир», деб фармон берди.

Йигитнинг балолдан қўтилиб қолишига сабабчи хотинининг ақл ва идроки эди. Агар хотин ғайрат қилмаганда эди, йигит ғазабга учраб ҳалок бўларди. Бундан маълум бўладики, оқила хотинининг фикридан кўра эзгулироқ истеъдод йўқ.

## СУЛТОН МАҲМУД ВА ХОТИН ПОДШОҲ

Султон Маҳмуднинг ҳукмронлик даврида рай вилоятида бир хотин бор эди. У мазкур вилоятнинг подшоҳи эди. Унинг номини Расида дердилар. У ниҳоятда доно, бахирмуд ва зийрак эди. У Фаҳруддавланинг хотини эди. Фаҳруддавла ва фот этгач, ундан Маҳмуддавла исмли бир ўғил қолди. Маҳ-

## Муҳаммад Авфий

# Жавомии ул-ҳикоёт

кетди ва зиндонбон қўлига топширди. Тонг отгач, подшоҳ хузурига арз қилиб бормоқ ва унинг фармонида мувофиқ иш қилмоқчи ўз олдида мақсад қилиб, ҳожиб уйига қайтиб кетди.

Йигит ўзини бало домида кўрди. Бобгоннинг шоғирдини ўз уйига жўнатиб, ўз аҳолидан хотинига хабар етказди. Хотин дарров бир товоқ ҳовла пишириб, устига балиқ ва бир неча нон қўйди. Чодрасини ёпиниб, зиндон олдида келиб, зиндонбонга деди: «Менинг бошимга бир иш тушди. Зиндондагиларга ҳовла ва таом беришни ният қилган эдим. Агар сен бу хайрли ниятга хайроқчи бўлсанг ва эшикни очсанг, бу таомни уларнинг олдида қўйсан. Сенга хизмат ҳақини берсам, шояд Худойи таоло лутф қилса ва мен ўз назаримнинг улдасидан чиқсам».

Зиндонбон зиндон эшигини очди. Хотин зиндонга кирди. У таомни зиндондагиларнинг олдида қўйди. Ўз чодрасини мазкур канизакка бериб деди: «Чодрани ёпиниб ташқарига чиқиб кетавер. Агар зиндонбон сенадан таомни маҳбусларга бердингми? деб сўраса, бердим деб жавоб бер!»

Шундан сўнг канизак чодрани бошига ёпиниб бўш товоқни бошига қўйиб, эшик томон юрди ва саломат чиқиб кетди. Эртаси кун ҳожиб подшоҳнинг хузурига арз қилди. «Кеча тунда фалон канизакни боғда номаҳрам бегона йигит билан қўлга туширдим ва зиндонга солдим».

Подшоҳнинг рашқ ути аланга олиб, тахтни майдон ўртасига қўйиб, жазо қуролларини муҳайё қилишни буюрди. Шундан сўнг йигит билан хотинни қўриқлаб келтиришларини буюрди. Нихоят, йигит подшоҳ олдида келган эди, подшоҳ унга: «Бизнинг ҳарамимизга ибосизларга қадам қўйиб киришга қандай ҳақинг бор», деб бақирди. «Эй шохим, бу ишда айб хотинимдадир. У доим менга, подшоҳнинг боғига бориб томоша қилайлик, дерди. Бобгон бизга дўст эди. Шундай бўлса ҳам мен унга, яхши эмас, бизнинг подшоҳ боғига боришимиз одобдан эмас, дердим. Хотиним менинг сўзимни эътиборга олмади. Мана энди подшоҳнинг қаҳру ғазаби-

дуддавла улғайиб балоғатга етди. Лекин у отасининг ўрнини боса оладиган эмас эди. У беандиша эди, бинобарин, подшоҳликка номуносиб эди. Шундай бўлса-да, мамлакат унинг номига аталиб, давлат ишони онаси оритарди. У Рай, Дахистон ва Исфаҳон вилоятларида ўттиз йил ҳукмронлик қилди.

Нихоят, Султон Маҳмуд Ироқ подшоҳлиги хотинининг қўл остида, деб эшитди. У хотинининг хузурига элчи юбориб деди: «Мамлакатингда менинг номимни хутбага қўшиб ўқитишинг, пулни менинг номимдан зарб этишинг ва менга ҳар йили хирож юбориб туришинг керак. Ақс ҳолда бехисоб аскарларим билан сенинг дериңгига бориб, арқони давлатингни ер билан яқсон қилгумдир!»

Элчи сўзни тугатгач, Расида Султон Маҳмуд мактубига жавоб ёзишни буюрди-да, сўнгра элчига деди:

— Султон Маҳмудга шундай деган: «Эрим Фаҳруддавла тирикчилигида бизнинг дийёра ҳужум қилишини ҳақида ўйлаб хавотирланар эдим. Аммо эрим вафот қилиб ҳукмронлик менга теккач, бундай андиша ва кўркувлар менинг кўнглимдан, бутунлай кўтарилди. Ўзимча, Маҳмуд зийрак подшоҳдур, ўзини билган подшоҳлар хотинлар билан жанг қилмоққа бор-масликларини яхши билади, деб ўйлардим. Энди мен сен билан жанг қилишга тайёрман. Агар сенадан енгилсам, менга номул эмас. Зероки, подшоҳликни сақлаб қолмоқлик йўлида қилинган жангга мағлубиятга учрамоқ уят эмас. Агар сен менадан шикаст еб, мағлубиятга учрасанг, у ҳолда сенинг учун катта шармандалик бўлмай ва мен учун ниҳоятда зўр фахр содир бўлмай. Чунотки, одамлар «хотин кишидан енгилди», деб сени маломат қилурлар».

Бу сўз Султон Маҳмуднинг қулоғига етгач, асло Ироқни тилга олмади. Хотиннинг ақл-заковати тўфайли, мамлакат душманлардан омон қолди.

(Давоми бор).

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# «Бахтиёр болалик» бошқотирмаси

Порлоқ келахак. 13. Гулга номдош қизлар исми. 14. Фарзанд дунёга келганида ўтказиладиган миллий маросим. 15. Болаларнинг кўклами ўйини. 16. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони намунаси. 17. Таълим-тарбия мазмуниндаги гап, ўғит. 18. Тинчлик рамзи, манзарали ўсимлик. 19. Билим берувчи мутахассис. 20. Абу Али ибн Сино эътибор этган гўдақлар ётоғи. 21. Бахту иқбол асоси. 22. Атоқли адиб Ойбек ёзиб қолдирган «Болалик» асарининг жанр жиҳатида тури. 23. Эришиш, муваффақият мазмуниндаги қизлар исми. 24. Ўзбекистон телевидениеси қошидаги болаларнинг машҳур санъат гуруҳи.

Муаммонима

Жавоблар асосида қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибининг англатида) ҳарфлар билан алмаштириб муаммонимани ҳал этинг.

24-1; 1-4; 6-3;

11-1; 5-2; 2-2; 22-2; 8-3.

24-4; 16-4; 7-5; 9-1; 3-2; 21-4.

20-1; 12-7; 13-3; 14-1;

10-5; 15-2; 4-2; 16-5; 17-1. Улардан аён бўлган сўзлар ўзбек халқ мақолига мансуб.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

## Газетанинг шу йил 24 май сониде берилган бошқотирманинг жавоблари:

**Энига:** 4. Сотти. 6. Қайик. 11. Ошна. 13. Ватар. 15. Орол. 19. Банан. 21. «Оскар». 26. Арфа. 28. Катак. 30. Аста. 34. Митра. 36. Роман.

**Бўйига:** 1. Этик. 2. Айик. 8. Кешик. 9. «Матиз». 10. Озода. 16. Сенат. 17. Бекат. 23. Тариқ. 24. Китоб. 25. Катет. 31. Рота. 32. Лима.

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 3. Саккожи. 5. Қўзилқом. 7. Қандаҳор. 12. Қайювус. 14. Бароқон. 18. Ботаника. 20. Избоскан. 22. «Пахтакор». 27. Бастақор. 29. Мамлакат. 33. Шаҳмақом. 35. Замбарак. 37. Хонатлас.

## Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:

1. Ватанимиздаги ёшлар ташкилоти. 2. Болалар севадиган халқ озаки ижоди тури. 3. Кўклами болалар унқичи. 4. Кримдаги оромгоҳ. 5. Оналар-у болаларнинг азалии орзуи. 6. Тебранувчи гўдақлар мосламаси. 7. Ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этаётган маъмурий худуд. 8. Кичкинтойлар журнали. 9. Тенгдош, дўст қизалоқлар. 10. Миллий спортимиз тури. 11. Болаларнинг севимли ширинлиги. 12.



Бош муҳаррир  
Акматав АҚРОМОВ

Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимияти

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Маتبўточилар кўчаси, 32

### ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;  
электрон:  
133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажин — 2 босма тираж офсет  
усулида босилади.  
8332 нускада босилди. Қўзғатилган А-3

Душанба, чоршанба  
ва жума  
кунлари чиқади.  
Нашр кўраётгани — 363

Газета Ўзбекистон Давлат  
маتبўоти қўмитасида  
10-қаватдан босилган

Нашри етказиб бериш масаллари бўйича турар жойлардаги почта  
буғаларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонга  
мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер  
марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босилган. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.